

Инсонийлик мезони

Тўланган тўловлар – муқаммал хизматлар гарови

Бугунги кунда ҳаётимизни газ, сув ва электр энергиясиз тасаввур қила олмаймиз. Айнан мана шулар сабаб ҳаёт тарзимиз тубдан енгиллашган. Бу эса вақт ва харажат тежамкорлигига бир омил бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, ҳозирги карантин шароитида биз буларни янада ёрқинроқ ҳис қилиш имконига эга бўлдик. Бизку уйдамыз, лекин биз учун ишлаётган инсонлар орасида коммунал соҳа вакиллари ҳам борлигини биласизми? Уларда иш тизими қандай ташкил қилинганини-чи?

Кечиктирилган тўловлар учун жарима ва пенялар тўланмайди

Ичимлик, «Сувоқова» ва иссиқ сув таъминоти корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматларга карантин даврида кечиктирилган тўлов учун жарима ва пенялар жорий этилмайди, қарздор истеъмолчилар учун судга даъво аризалари киритилмайди, истеъмолчилар ичимлик суви, канализация ҳамда иссиқ сув тармоқларидан узилмайди. Аммо бу – коммунал тўловларни амалга оширмасамиз ҳам бўлар экан, дегани эмас.

Истеъмолчиларни сифатли ва узлуксиз ичимлик суви ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш учун бир қанча харажатларга, бундан ташқари, ҳар куни юзага келаётган аварияларни бартараф қилишга, шунингдек, ходимларни иш ҳақи билан таъминлаш учун ҳам маблағ талаб этилади. Шу сабабдан, тўловларни ўз вақтида амалга оширмаслик қарздорликнинг кескин ошиши ва таъминловчи корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолатига таъсир қилиши мумкин. Шу мақсадда хизмат кўрсатувчи таъминот корхоналари ва қарздорликлар тўғрисидаги маълумотларни олиш ҳамда тўловларни амалга ошириш бўйича **онлайн тарзда click, урау, рауте, раупет** мобил электрон тўлов тизимлари орқали тўлаш имкониятлари яратилди.

“Иссиқлик манбаи” корхонасида ходимлар маошсиз қолиши мумкин

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кучайтирилган тартиб жорий этилиши муносабати билан жорий йилнинг 25 мартидан бошлаб «Олмалик иссиқлик манбаи» корхонаси ҳудудида ташкил этилган “Ипотека банк” Олмалик шаҳар филиали тўловларни қабул қилувчи 4-сонли шохобча иш фаолияти вақтинча тўхтатилган. Иситиш тизими ва иссиқ сув таъминоти учун тўловларни “Ипотека банк” Олмалик шаҳар филиалининг асосий офисида амалга ошириш мумкинлиги фуқароларга ижтимоий тармоқлар орқали етказилган бўлишига қарамай, истеъмолчилар томонидан тўловларни вақтида амалга ошириш орқага сурилиб келинмоқда. Бу эса корхонанинг моддий аҳволига таъсир қилмай қолмайди. Жумладан, корхонада 150 нафарга яқин ходимлар иш билан таъминланган бўлиб, карантин шароитида барча ходимлар таътилга чиқарилган. Ҳозирги шароитда истеъмолчилар ҳамма томонини тенг ҳисоб-китоб қилиб, тўловларни масофадан туриб амалга оширишга, корхона харажатлари ҳамда ходимларнинг маошлари билан боғлиқ вазиятларда салбий кўринишлар юзага келишининг олди олинган бўлар эди.

Уй шароитида ҳисоблаб, тўловни амалга ошириш мумкин?

Бунинг учун иссиқ сув таъминоти учун истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб, олдинги уч ойлик индивидуал ҳисобга олиш асбобларининг ўртача суткалик

кўрсаткичлари бўйича ҳисобланади. Карантин даври тугагандан сўнг индивидуал ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини корхонанинг компьютер базасига киритиш лозим бўлади. Ёки шаҳарнинг Ипотека банк Олмалик филиалининг кассаларига тўлов вақтида ҳисоблагичнинг кўрсаткичларини тўлов квитанцияларига киргизиб лозим бўлади, шунда тизим автоматик равишда ўртача суткалик ҳисоб-китобни қайта кўриб чиқади.

Иссиқлик таъминоти билан боғлиқ ҳолда аварияли ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ёки уларни бартараф



раф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш учун корхонанинг авария диспетчерлик хизмати **(70)61-5-22-60** телефон рақамига кўнғироқ қилишингиз мумкин.

Эслатма: иссиқлик таъминоти билан боғлиқ бўлган масалаларда кўп квартиралар уйларида хизмат кўрсатувчи ҳудуд ХУЖМШлар ҳам муурожаатларни қабул қилади.

Сувни тежа – тўловни эса масофадан тўла

Ичимлик суви ишлаб чиқариш ва канализация хизматларини кўрсатиш учун харажатларнинг асосий қисми электр энергия харажатлари, сув манбаларидан аҳоли пунктларигача ва ҳар бир истеъмолчига бўлган масофалар, ичимлик

суви ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатлар, қувурлардаги аварияларни бартараф этиш учун керакли қувурларни харид қилиш, материаллар, махсус техникаларни ёқилғи ва эҳтиёт қисмлари, иш ҳақи харажатларининг барчасини эътиборга олган ҳолда, фойдаланилган сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши бу камчиликларни бартараф этишдаги асосий омилдир. Яъни, истеъмолчи томондан фойдаланилган ичимлик сув ва канализация хизматлари учун тўловлар ўз вақтида амалга оши-

логик вазиятда шахри-мизни тоза ичимлик сув билан узлуксиз таъминлаш ва оқова хизматларида авариялар бўлмаслиги жуда муҳим саналади. “Тошкент сув таъминоти” МЧЖ Олмалик шаҳар бўлими корхонасининг эса бу борада ўрни беқиёс. Улар мураккаб вазиятга қарамай юртдошларимизни тоза ичимлик суви ва канализация хизмати билан узлуксиз 24 соат таъминлаш борада меҳнат қилаётган ходимлар сирасига қиради.

Бугунги барчамиз учун мураккаб вазиятда имкони борича абонентларга қулайлик яратиш мақсадида қуйидаги телеграмм **бот(https://t.me/mjko_info_bot)** дан қарздорлик тўғрисида маълумот олиш, сув ўлчагич кўрсаткичлари жўнатиш ҳамда тўловни ҳам амалга ошириш имкони мавжуд.

Ёруғликда – ёруғ кунларга умид билан

Шаҳар электр таъминоти корхонасида бугунги кунда 78 нафарга яқин ходимлар фаолият юритиб келмоқда. Ҳозирда карантин ҳолатини ҳисобга олган ҳолда корхона раҳбари томонидан 24 нафар ходим меҳнат таътилига, 14 нафар ходим эса ўз ҳисобидан таътилга чиқарилган. 34 нафар ходимлар билан навбатчилик асосида ишлар ташкил қилинган бўлиб, шахримизда юзага келаётган муаммоли вазиятлар мана шу ходимлар томонидан бартараф этиб келинмоқда.

Газ истеъмолчилари учун қулайликлар

“Олмалик шаҳар газ истеъмолчиларини узлуксиз бехатар газ билан таъминлаш мақсадида, мавжуд ГРП ва газ қувурларида профилактик ишларни мунтазам олиб боришмоқда. Карантин вақтида коронавирус инфекциясидан ишчи-ходимларни ҳимоя қилиш учун филиал “Уй ичи газ ускуналарига хизмат кўрсатиш”



бўлими чилангарларига меҳнат таътили берган. Фавқулодда авария ҳолатларини бартараф этиш мақсадида Диспетчерлик хизмати туну-кун навбатчилик қилишмоқда. Ижтимоий тармоқлар орқали маълум қилинганидек, аҳолининг уйдан чиқмай газ тўловларини амалга оширишда қарздорлик ҳолатларини аниқлаш(сверка)ни масофадан таъминлаш учун ИКТ операторлари халқ хизматида. Оператор мобил телефон рақамлари:

94 943-67-76,
93 604-68-89.

Карантин вақтида газ истеъмолчиларидан “Турмушда газдан фойдаланиш қодалари”га қатъий риоя қилишлари, газ жиҳозларини қаровсиз қолдирмаслик, ўзбошимчалик билан газ ускуналарининг жойини ўзгартирмаслик, унинг конструкциясига ўзгартириш киритмаслик талаб қилинади. Газ сизиб чиқиш ҳолатини сезган заҳотингиз филиал авария диспетчерлик хизмати 104 ёки 71 200-08-04 рақамга телефон қилишингиз мумкин.

Ҳурматли истеъмолчилар, яратилган имкониятлардан фойдаланиб коммунал хизматлар учун тўловларни уйдан чиқмасдан мобил электрон иловалар орқали амалга оширишингизни сўраб қоламиз.

Коммунал корхоналарнинг самарали фаолияти ва унумли меҳнати сиз билан бизга боғлиқ. Яъни тўловларни вақтида амалга оширсак, юзага келган муаммоларни бартараф этишда корхона томонидан ҳам тезкорлик ва унумдорлик бўлади.

**Дилдора
АБДУРАҲМОнова.**